



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Тарих факультет “Миллий ғоя , маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими“ йўналиши
202-гуруҳ талабаси Норматалиева Наргизанинг**

REFERAT

МАВЗУ: МАЪНАВИЯТ ВА САНЪАТ



**Илмий раҳбар:_____Турсунов Ф.
Кафедра мудири_____М.Собирова**

Тошкент-2014

РЕЖА

КИРИШ

- 1. Маънавиятни юксалтирувчи воситалар тизими**
- 2. Ўзбекистон мусиқа санъатининг босқичлари**
- 3. Санъатнинг турлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти**
- 4. Ёшларнинг маънавий салоҳиятини ривожлантиришда уларни ғоявий тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг тутган ўрни.**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Қадимдан халқ томошалари кўринишида бўлиб, мусиқа ва театр сифатида шаклланган бу Санъат доим ижтимоий ҳаётга муносабат тусини олган ва адабиётларда мухрланиб келинган. Инсон турли чегараларни тузади, аммо Санъат чегарани билмайди: Ғарбу Шарқда ҳам, Шимолу Жанубда ҳам у инсон манзараларини намойиш этаверади. Санъатнинг минтақаси ҳам чегарасиздир¹!...

Ислом Каримов

Мавзунинг долзарблиги. Баркамол авлод тарбиясида муҳим бўлган оимларни ўрганиш доимо долзарб масалалардан бўлиб келган ва оимларнинг томонидан турли тарзларда ўрганиб келинган.

Инсоният тарихида ўз замонасининг машҳур оимлари ҳам ушбу оимлар ҳақида фикрлар билдириб келганлар. Ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда Санъат ва адабиёт ҳам доимо катта рол ўйнаб келган. Кўплаб оимлар Санъат ва адабиёт маънавий ҳаётнинг ажралмас қисми деб ҳисоблаб келадилар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда Санъат ва адабиёт ривожига катта диққат эътибор қаратиб келинмоқда. Жамият аъзоларини маънавиятни юксалтиришда Санъат турлари ва адабиёт бошқа давлатларга қараганда бугунги кунда янада муҳимроқ бўлиб келмоқда.

Санъат ва адабиёт асрлар мобайнида ривожланиб келди ва жамият ҳаётининг инсон камолотининг ажралмас қисмига ажралди. Биз бугунги

¹Karimov I.A. O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. - T.: O'zbekiston, 1999.- 230 b.

2. С.Саидий. Мозий Садолари (зарб-ул Қадим мисолида). Тошкент.2005.ншд 29-31бб.

маънавий юксалиш жараёнини Санъат турларисиз ва адабиётсиз тасаввур эта олмаймиз.

Адабиёт!, бу - билимлар калити, маънавий- маърифий илм манбаи, инсоният тарихининг тафаккури-олам хазинаси, таълим ва тарбия кўзгусидир.² (с.б.)

Қомусий олимлар Ал-Фаробий, Ибн Сино, Сафиуддин ал-Урмавий, Хожа Абдулқодир ал-Мароғий, Дарвеш Али Чангий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида мусикий чолғуларга оид кўплаб қимматли маълумотлар келтирилиб, назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган эди. Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” номли тадқиқотида Шарқ мусиқаси бағрида муҳим ўрин тутган ўзбек мусиқаси, миллий чолғулари, мақомлар мазмуни, мусиқа ва аруз каби долзарб муаммоларни ёритиб берган.

Курс ишининг мақсади: Жамият маънавий ҳаётини юксалтиришда ва ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказишда, юксалиб бораётган мамлакатимиз пойдеворини мустаҳкамлашда тадқиқотларни умумлаштириш, Санъат ва адабиётнинг тутган ўрнини ёритиб беришдан иборат.

Курс ишининг вазифалари: -Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришнинг долзарб масала эканлигини ёритиб бериш;

-

Ёшлармаънавиятинишакллантирувчivosиталартизиминитаҳлилэтиш

;

-Санъат ва адабиёт маънавиятининг ажралмас кисми эканлигини ёритиб бериш;

-Санъатнинг барча турлари ва адабиёт ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтирадиган омиллар эканлигини асослаб бериш;

-Мустақиллик йилларида ёшлар маънавиятини юксалтирадиган

Санъат ва адабиёт ривожига берилаётган эътиборни ёритиб бериш.

-Маънавий салохиятни шакллантиришда адабиёт, ва Санъат олдидаги вазифаларни белгилаш;

1. Маънавиятни юксалтирувчи воситалар тизими

Маънавиятни шакллантирадиган мезонлар инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқарашили, тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият миллатга хос маънавий маданий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи ва қарашларни умумлаштирувчи тушунча.

Маънавиятни юксалтирувчи мезонлар ўзига хос тизимга эга бўлиб, бунда миллат, халқ, давлатчилик, маданият, меъморий ёдгорликлар ва бошқа шакллари ўз ичига қамраб олувчи тарихдир.

Минтақамиз тарихида маънавиятни юксалтирувчи мезонлар асрлар мобайнида бойитиб келинди ва маънавий мероснинг асосларини ташкил этди. Маънавиятни юксалтирувчи мезонларнинг ичида моддий мерос ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлиб, моддий мерос кўп йиллар мобайнида ҳар бир халқ, миллат ҳаётининг ажралмас қисмига айланди ва инсон камолотига таъсир қиладиган кучли омилга айланди.²

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, жамият аъзоларининг маънавий камолоти муайян ғояларга асосланган маданий, маърифий мафкуравий ишларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошириб борилди. Ёшларни маънавий салоҳиятини юксалтиришда унинг мезонларини, уларнинг тизимини узвийлигини аҳамияти катта эканлигини тарихнинг ўзи асослаб бериб келмоқда. Маънавиятни юксалтириш мезонлари заиф бўлса, кўйилган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Маънавиятни юксалтирувчи воситалар ва уларнинг мезонларидан қанчалик самарали фойдаланилса ёшларни маънавий салоҳиятини ошириш имкониятлари ортиб бораверади. Ҳозирги жамиятимизда бевосита амалий фаолият юритаётган, инсон тарбиясида катта таъсирга

²Э.Юсупов. Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. Т.Ўзбекистон Республикаси И.И.В.Академияси. 2003 йил 33 бет

эга, умуман, маънавий дунёқарашни шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари, ахборот ресерслари марказлоари, театр, кино, санъат саройлари ва шу каби кўплаб муассасалар маънавиятни юксалтирувчи воситалар тизимини ташкил этади.³

Ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш масаласи ҳар бир давр ва жамиятга хос бўлиб, бунда давлат ва жамият олдида маънавиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил этиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутушини илмий таҳлил этиш лозим. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тарихини, уларнинг ёшлар маънавий тарбиясидаги фаолиятларини шу халқнинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омил сифатида хизмат қилади.⁴

Ўрта Осиё заминиде етишиб чиққан буюк инсонлар, олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчи ва саркардалар умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий илмларнинг тарихан энг юқори босқичига кўтарилишида шу заминда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари каттадир.

Биз учун муқаддас бўлган ушбу заминда маданият, санъат, адабиёт ривожланиб борган ва ёшлар тарбиясига катта таъсир кўрсатадиган омилларга айланган.

Инсоният тарихи шуни асослаб бердики бирон бир жамият маданий-маънавий имкониятларни, одамлар онги ва қалбида маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустахкамламай туриб ўз истиқболини, ёшлар маънавий камолотини тасаввур эта олмайди.

³ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.Т. “Ғофур Ғулом” номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2009 йил 346-бет.

⁴ И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари Т. “Маънавият” 2008 й 29-30 бетлар

Маънавиятни юксалтирувчи омиллар ва воситалардан фойдаланиш ҳар қандай давлат ва жамият пойдеворини мустахкамланиб боришига хизмат қилади.

Жамият аъзоларининг, айниқса ёшлар маънавияти қашшоқлашиб бораётган мамлакат ўз келажагига эга бўла олмайди. Маънавий қашшоқлик, маънавий инқироз, инсоннинг интеллектуал ноетуклиги барча даврларда ҳам жамият тараққиёти учун ниҳоятда ҳалокатли бўлган.

Жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар, ёшлар маънавиятининг қашшоқлашиб бориши асосан маънавий заифлашиш, маънавиятни юксалтирувчи воситаларга эътиборсизлик натижасида пайдо бўлишини тарихнинг ўзи кўп маротаба асослаб бериб келган. Маданий-маънавий тараққиёт, ёшлар маънавий камолоти бутун инсоният ҳаётида катта ўрин тутган ва устиворлик қилганидек мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли учун ҳам муҳим ҳаётий заруриятдир.

Маънавиятни шакллантирувчи мезонлар қанчалик бой бўлсамаънавият юксалиб, маънавий жиҳатдан баркамол бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш имкониятлари ортиб бораверади.

Маънавиятни юксалтирувчи омиллардан бири маънавий меросдир. Маънавий мерос маънавий тараққиёт махсули бўлиб, у инсон ақл заковати билан яратилган, келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуидир. Жамият аъзоларининг онги, ички дунёси, тафаккур тарзи, хис туйғуларига таъсир этиб, уларни бойитиш ривожлантириш, янги ғоявий йўналишларга бошқаришда маънавий мерос катта роль ўйнайди. Маънавий мероснинг одамлар ҳаёт тарзига чуқур таъсир этадиган қадриятлар сифатида аҳамияти катта бўлган. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят

улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифага айланди.

Бирон бир жамият маънавий имкониятлари, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Урф-одатлар, анъаналар, халқ оғзаки ижоди, фан, адабиёт, санъат ва бошқалар маънавий мерос таркибида муҳим аҳамият касб этади. Истиқлол йилларида маънавий мероснинг ушбу соҳалардаги таркибий қисмларига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди.⁵

Маънавий мерос маънавиятни юксалтирувчи воситалар тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эгадир.

Жамият ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган маданият, маърифат ва мафкура ҳам маънавиятни юксалтирувчи омиллардан бўлиб ҳисобланади. Жамият тараққиёти, инсон маънавий камолоти муайян ғояларга асосланган маданий, маърифий, мафкуравий ишларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади. Маънавий камолотнинг бу омилларини бир биридан ажратиб бўлмайди. Агар маънавий омиллар заиф бўлса, маърифий ишларни ҳам йўлга йўлга қўйиб бўлмайди. Маърифатсиз маънавият ҳам инсон қалбига сингиб, фаолиятига асос бўла олмайди. Ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалиб бориш жараёнини, маънавиятни юксалтирувчи воситалар тизимини маданиятсиз, маърифатсиз ва мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Маданият инсон камолотига, жамият ҳаётини юксалишига катта таъсир кўрсатадиган муҳим омил ҳисобланиб у кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб

⁵У.Идилов. Юксак маънавият-жамият хавфсизлиги ва янгилашнинг асоси.Т. “Маънавият” 2009 й 23-бет.

чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимидир.⁶

Маънавиятни юксалтирувчи мезонлар тизимида ўз ўрнига эга бўлган маданият моддий ва маънавий маданиятларга бўлиниб улар турли даврлар ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда яратилади. Шунинг учун ҳам маънавиятни юксалтирувчи маданият мезонлари барча халқлар ва тарихий даврларда бир хил хил бўлиши мумкин эмас. Маданиятнинг мазмуни, моҳияти ҳам кишиларнинг онгига сингиб, маънавий оламнинг бир қисмига айланади. Маданий тараққиёт турли даврларда, шароитларда яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг ижобий томонлари ҳисобига амалга оширилиб маънавиятни юксалтирувчи омил сифатида хизмат қилади.

Жамиятнинг маънавий ҳаётини такомиллаштиришда, ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришда маърифатнинг ҳам алоҳида ўрни бордир. Маърифат инсон маънавий камолотининг асосий шартидир.

Кишиларнинг онгига муайян билимлар, ғоялар, эътиқод, иймон, ахлоқ ва одоб нормаларини сингдириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш маърифатнинг олдида турган асосий вазифалардир. Жамият тараққиёти ва инсон камолотига ижобий таъсир этадиган ғояларни, билимларни, ахлоқ ва одоб нормаларини тарғиб этиш маърифий фаолият ҳисобланиб маънавий юксалишга катта таъсир кўрсатадиган бундай ҳаракат халқимиз томонидан доимо қадрланиб келинган. Маърифий тадбирларни тўғри йўлга қўйилиши инсоннинг ақлий ва ахлоқий камолотига катта таъсир кўрсатади. Инсоният доимо маърифий фаолиятини жамият маънавий ҳаётидаги энг илғор йўналишлардан бири деб баҳолаб келган. Инсоннинг камолоти маърифатсиз амалга ошмайди. Маълум мақсадлар билан боғланган маърифий тадбирлар оила, жамоа, жамият таъсири инсоннинг ички руҳий

⁶ Э.Юсупов. Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. Т. “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси” 2003 йил 31-бет

имкониятларини маънавият даражасига кўтаради, унинг ахлоқи, одоби, билими, малакаси, иймони, дунёқараши, мафкуравий қарашларини шакллантиради.

Мустақиллик йилларида маърифатни юксалтиришга катта диққат эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда маърифатни ошириш юксак маънавият тамойиллари асосида маърифатли ёш авлодни тарбиялаш бу соҳадаги энг устивор вазифага айланди.⁷

Маънавиятни юксалишига катта таъсир кўрсатадиган маърифий тадбирлар барча даврларда ҳам инсон онгига, иродасига таъсир этиш, инсон қалбига эзгулик ғояларини сингдириш ёшларни маънавий фазилатлар руҳида тарбиялаш вазифасини бажариб келган.

2. Ўзбекистон мусиқа Санъатининг босқичлари

Одамзоднинг мунтазам ҳаракатлари муайян усулий тартибни ташкил этганлиги натижасида урма чолғуларнинг пайдо бўлишини тахминлаган дейиш мумкин. Урма чолғулар садолари ёрдамида инсон руҳий оламига тегишли таъсир ўтказиб келинган. Борлиқнинг инсонга таъсирида инсоннинг ички ритмик-усулий ҳаракатлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

С.Саидийнингтадқиқотларидан маълумки,
МарказийОсиёхалқлариорасидаэнгқадимгивакенгтарқалганурмачолғулар
данбириноғорадир. Бучолғунингаста-секинмазкурхалқлар,
уларнингқавмвақабилалариорасидапайдобўлиб,
тарқалибкетишидааёлларнингўрнивахизматикаттабўлган.

⁷ Р.Қўчқор. Авлодлар бахти. Т. “Маънавият” 2009 й 56-бет.

Улар 100 мингйилолдин «Мустье» ⁸ давридағорларичидаяшаб, ўз уйюмушларинишуернингўзидабажаришган⁷³

Аёлларчолғуясашмақсадидаэмас, балки
кийимтайёрлашмақсадидаҳайвонтерисигаишловберганлар,
сўнграунихумсимонкаттаёғочкундагақуритишучунташлабқўйганлар.
Ғорлардагиқурукликваиссиқликтаъсиридаёғочкундаларгатеринингелимс
имонмоддасиёпишибқолишинатижасидақуришихамтезлашган. Оқибатда,
коваккундагаёпишгантерихақиқийноғорасимонсасчиқариб,
диққатнижалбэтганҳолдаурмачолғумавқеиниэгаллабқолгандеб, илмий
асосларда қиёслаб берган.

МарказийОсиёдаэнгқадимгимеҳнаткўшиқлариўшадавртурмуштарз
ибиланбевоситабоғланибтараннумэтилган.
МарказийОсиёхудудидақадимгиБухорозаминидагиДарвозақир, Қизбиби,
Варахша, Ромуш [Ромитан], Тожикистондаги Рушан [Бадахшон]
туманларида, Панждарёсиатрофларида,
СурхондарёнингАйритомтуманларида,
ТуркманистоннингМарвзаминларидаяшовчиқабилаларўртасидамусиқачо
лғуларинисбатанилгарироқ «неолит ва энеолит»
даврларидапайдобўлганлигинитаҳминқилишмумкин. Айниқса,
чолғулардан - дойра
эртароқпайдобўлганлигиҳақидатегишлимаълумотларСанъаттарихибилан
боғлиқилмийадабиётлардаберилган⁷³

С.Саидийнингтаъкидлашича,
шудаврдааёлларнингдойраижрочилигибарчауслубийжилоларибиланнамо
ёнбўлган. Бунда,
дойраусулларивоситасидадаволайдиган(табобатқилувчи),

⁸ Саидий С.Б. Ноғора ва дойра чолғулари хусусида // Ж. Маҳорат кўзгуси.- Бухоро.- 2001.- №1.- 60-63 б.

яъникўчирмачиаёлларнибахшиаёллардебҳаматашган. Дойрачалиб фол очувчиларнифолбин, жодугар, руҳшуносфариштачақирувчи, пархон(парихон)дебҳаматаганлар. Бахши,

кўчирмачидебномлангандойрачааёлларнингжроларидагихилма-хилзарбуусуллариёрдамидаайримруҳийкасалларшифотопибтузалганликлар, буинсонлармуолажасируҳийишончпайдоқилишмароми биланбоғлиқбўлганлигиниалоҳидақайдэтишжоиз⁹. Фол

очувчипархонларфаолиятиҳамдойражўрлигидабўлибўтган:

олдиндакутилаётганхабарларниуларнингруҳийтаъсиротларидаетказганларвабубилан фол очишмаҳоратларининамойишқилганлар. Демак, софмузикийижроданташқаридиний-фалсафий, космологикусулларҳамбўлган. БундайижроларҲиндистон, Хитой, Афғонистонхудудлариданисбатанкенгроқтаракқийэтганлигиҳақида турли маълумотлармавжуд.

ЎзбекистонваТожикистоннингўтмишидаЗардуштийва Будда ибодатхоналаридамусиқамуҳимдинийғоялартарғиботчисивазифасинибажарган. Бухақдагиилкмаълумотлар Абу БакрМуҳаммадНаршахийнинг "Бухоротарихи" асарида: «Афросиёб ўз куёвиСиёвушниўлдирди. СиёвушнингэсаКайхусрависмлиўғли бор эди... БухороаҳолисиКайхусравнинготасиСиёвушўлимимуносабатибиланажойибкўшиқяратди. Машшоқларбукўшиқни "КиниСиёвуш" (Сиёвушқасоси)деб, атаганликларихақидамаълумотларберилади. Букўшиқнихаммажўрбўлибайтган:

декламациячилар(каввалон)букўшиқларни(Суруд)“жодугарнингйиғиси”(Гиристан мусон), дебатайдилар. Анашувоқеаданбуён 3000 йилданкўпвақтўтди”⁷³БухоронингбарчавилоятларидамашхурбўлганСиёву

⁹С .Б.Саидий Марказий Осиё маданиятида урма чолғулар (ўзбек ва тожик музика анъаналари мисолида). Тошкент. 2005 йил.-144 с.⁹

шнингўлдирилиши ҳақидаги кўшиқ, Тожикистоннинг касбий хор
жамоасида ҳозир ҳамма вужуд.

Қадимги Хоразм заминида яратилган “Авесто” муқаддас китобида,
айниқса,
унинг “Хатлар” (Гатҳо) қисмида мусиқий ижрочилик ва унинг услублари ҳақи
да кўплаб маълумотлар баён этилган. Зардуштийлик таҳлимоти ҳам ўз
даврида қадимий анъаналарни тиклаб,
уларни ривожлантиришда муҳима ҳамият касб этганки,
ушбумаданий қатламга мансуб Дарборива Дабиристон мактабларининг вужу
дга келиши жиддий ўзгаришлар даври ҳисобланади⁷³ Бизгача етиб келган
“Авесто”нинг кўпмадҳиялари суруд (яъни, кўшиқ) тарзида яратилган.
“Авесто” усулидаги суруд (кўшиқ) лар, гоҳ ҳозирги форс-
тожик тилларидаги Эрон ва Тожикистон мусиқавий фолклорий ўналишлари
да ҳақиқатан ҳам жиддий тарзда яратилган.
Зардушт даврининг

17

мадҳиясияштлар орқали бизнинг даври мизгача етиб келган.

Бу қадимий кўшиқ анъанасининг асосий сарчашмалари

“Авесто”га бориб тақалади. Милоддан олдинги VII-
IX асрларда Марказий Осиё халқларининг маданияти ва мусиқа Санъати бошқ
адаватларда, хусусан Бохтар ([Бахтрия) да ҳаманчатаракқий этади,
кейинчалик Мидия ва Ахмонийлар (Хохоманиш)
империяси Эрон худудида ҳам тарқалади.¹⁰ Бу даврда мусиқа Санъати профес
сионал мактаб даражасига кўтарилади. Асосий мактаблар — Дарборий,
Дабиристон анъаналарида шаклланиб,
диний мусиқа асосан Харбадистон услубида иборат эди.

Айнан Хоразмда яратилган “Авесто” аجدодларимиздан бизларга
қолган бебаҳо маънавий бойликдир. “Энг мўътабар қадимги кўл ёзмамиз
“Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан

¹⁰ Ҳақимов Н. История исполнительства на народных инструментах Средней Азии. - Д.: Ирфон, 1989. - 160 с.

XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузоронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатларки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”.¹¹

Зардуштийлик динининг миллий ва умумбашарий ахамиятига эга бўлган асосий қоидалари “Авесто”да баён этилган. “Авесто” аслан диний китоб бўлиш билан бир қаторда аجدодларимизнинг узоқ мозийдаги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, маънавияти, тили, ёзув, одоб-ахлоқи, маънавий-ахлоқий ва фалсафий, ҳуқуқий, этик қарашлари ва таҳлимотлари қарор топиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш учун бебаҳо ёзма манба ҳамдир.

Тарихий-илмий манбаларнинг кўрсатишича, “Авесто” ошланган 12 мингта мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган. Афсуски, энг қадимги ёзма адабиёт, ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассамлаштирган бу асар бизгача тўла етиб келмаган. Фақат у ҳақда ёзилган тарихий манбалар бор.

Дунёда “Авесто”чалик кўп ва шиддатли қаршиликларга учраган китоб бўлмаса керак. Уни душманлар оловда куйдиришди. Бу муқаддас китобдаги ғояларни тақиқлашди. Кўпдан-кўп фожиаларга учради.

“Авесто”-теран ҳикмату хазиналар кони, умумбашарий маънавиятнинг энг қадимий манбаларидан биридир. Унда қадимги ҳинд халқининг “Маҳабхорот”, “Рамаяна”, “Ригведа”, “Калила ва Димна” китобларида бўлгани сингари одамларни илму маърифатга, инсофу диёнатга, эзгуликка даҳват этадиган ғоялар, йўл-йўриқлар шу қадар кўпки, уларнинг ҳар бирини бебаҳо ҳикматлар хазинаси дейиш мумкин.¹²

Зардуштийлик таҳлимотида илгари сурилган ахлоқий, таҳлим-

¹¹Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 137-138-бетлар.

¹²Қаранг: Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. Авесто — маънавиятимиз сарчашмаси. Т., «Адолат». 2001, 6-11-бетлар.

тарбиявий, фалсафий, ҳукукий ғоя ва қоидалар бунга яққол мисол бўлади.

“Замин инсонга шундай дейди: -О, сен, инсон, ўнг қўли ва сўл қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ишлов берувчи, меҳнат қилувчи зот! Мен ҳақиқатан ҳам ҳар хил ноз-неҳмат, шафоатларимни, мўл-кўл ҳосилимни сендан аямайман. Ўнг қўли па сўл қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ерга ишлов бермайдиган, меҳнат қилмайдиган кимсаларга эса, О, Спитама, Чарадуштра заминнинг жавоби шундайдир: О, сен, Одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатдан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таҳзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неҳматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак!”¹³

Миллий-маънавий кадриятларимизнинг аксар муҳим масалалари ифодаланган “Авесто”да ҳовуз, ариқ, қудуқ сувларини ифлос қилиш ман этилган, анҳор ва ариқ бўйларида мол боқиш, отларни боғлашга рухсат этилмаган, ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши тўрт юз камчи уриш жазосига маҳкумлиги белгиланган, ўт-ўланлар, мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ер эканлиги, ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган заминни фидойиси бўлиши шартлиги қайд этилган.¹⁴

“Авесто”даги маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотга кўра, меҳнат қилиш барча эзгуликларнинг асоси, инсонийлик белгисидир. Таъкидланишича, деҳқончилик билан шуғулланиш ўн минг марта тоат-ибодат қилишдан аҳлодир.

Диний Каломда дон экиб кишиларга риск-насиба яратган одам

¹³Ж.Йўлдошов, С.Ҳасанов. “Авесто”да ахлокий-таълимий қарашлар. Т., “Ўқитувчи”, 1992, 24-бет.

¹⁴Кадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 74-75-бетлар.

тақводорлик уруғини эққан, иймонини озиклантириб турган кишидир, дейилади. Уқтирилишича, олам гўзаллиги деҳқондан таралган. Кимда-ким ерга уруғ қадабди, демак, у одамийликқа иймон келтирибди. “Бугдой ўстирила бошланса,-дейилади “Авесто”да,-девларни қора тер босади, совурилган бугдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади. Ун тайёр бўлгач, девлар нола-фигон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одам егандан сўнг девлар жуда қизишиб кетишади ва қоча бошлашади”¹⁵

“Авесто”да ғаразгуйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод, ўғрилик, талончилик, бегоналарнинг молу-дунёсига кўз олайтириш, хиёнат, бебурдлик каби иллатлар қаттиқ қораланган бўлса, ваҳдага вафо қилиш, самимият, садоқат, холислик, ўзаро иззат-икром каби хислат ва фазилятлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар эса улуғланган.¹⁶

“Зардўштийлик динига биноан ҳар бир зардўшт кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб, уни олқишлаб, сиғиниши шарт бўлган. Бу анъана беш вақт намоз шаклида исломга зардуштийликдан ўтган”.¹⁷

Шарқ халқларининг Ғарб маданиятининг ривожланишига кўрсатган улкан таъсири инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир. Буни юнон файласуфи Афлотун (милод. авв. 427-347)нинг, “биз, эллинлар варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз”, деган сўзларидан ҳам билишимиз мумкин.

Илмий-тарихий, ёзма ва оғзаки манбаларда айтилишича, қадимги юнонлар милоддан аввалги VII асрдан бошлаб Турон-замин халқлари ҳақидаги маълумотлар билан таниша бошлаганлар. Уларнинг худолар, баҳодирлар ҳақидаги эртаклари, ривоятлари, дostonлари ҳамда

¹⁵С.Ҳасанов. Хоразм маърифати - олам кўзгуси. Т., “Ўқитувчи”, 1996, 46-бет.

¹⁶Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. “Авесто”-маънавиятимиз сарчашмаси. “Адолат”, 2001, 107-бет

¹⁷Фозила Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. Т.. “Ўзбекистон”, 1997, 28-бет

Юнонистон файласуфлари асарларининг мазмунидан зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг, Ҳомернинг “Одиссея”сида эса “Алпомиш”нинг таъсири билиниб турганлигини сезиб олиш қийин эмас. Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн), Ксенофонт, Страбон, Птоломей, Ҳеродот эсдаликлари ва асарларида минтақамиз халқларига хос маданият, урф-одат ва анъаналар, афсоналар келтирилган.

Маънавият ва маърифат жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини барча давлатлардаги мутафакқирлар сингари қадимги Юнон алломалари ҳам эътироф этганлар. Юнонистон мутафакқирлари одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод, мардлик, жасорат, мурувват кўрсатиш сингари маънавиятга оид масалаларга ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан ёндошиб, ўзларининг фикрлари, мулоҳазалари, қарашлари ва муносабатларини баён этганлар. Уларнинг асарларида инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат қоидалари ва меъёрлари, дўстлик, ҳамжиҳатлик, софдиллик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби маънавий-ахлоқий хислат ва фазилатлар улуғланган. Инсоний муносабатларга тўғри келмайдиган худбинлик, ёвузлик, бахиллик, вафосизлик, хиёнат, субутсизлик, такаббурлик, беҳаёлик кабилар эса кескин қораланган.

Қадимги Юнонистоннинг йирик алломаларидан ҳисобланган Демокрит (милод. авв. 460-370) ўзининг маънавият ва маърифат, одоб-ахлоққа оид таҳлимотларида инсоннинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши унинг бахтли ҳаёт кечириши, осуда яшашининг асоси, деб таъкидлайди. Жумладан, қуйидаги ҳикматлар моҳиятига эътибор беринг: “Инсонни бахтли қиладиган нарса пул ҳам, жисмоний куч ҳам эмас, балки ҳаққонийлик ва ҳар томонлама доноликдир”, “Бахтсизликда ўз бурчига содиқ қолиш-буюк иш”, “Меҳёридан ўтиб кетса, энг ёқимли нарса ҳам энг ёқимсиз бўлиб қолади”, “Бирорта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам

бўлади”, “Доим ҳақиқатни гапирмоқ лозим ва маҳмадоналикдан қочиш керак”.¹⁸

Демокрит маънавий-ахлоқий муносабатлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ҳамда инсоннинг табиатидан келиб чиқишини асослашга ҳаракат қилади, Шунинг учун ҳам унинг маънавият ва маърифатга бўлган қарашлари ўзидан кейинги мутафакқирларга катта таъсир кўрсатди.

Юнон файласуфи Сукротнинг (милод.авв. 465-399) маънавият ва маърифат ҳақидаги қарашларида таъкидланишича, мардлик, донолик, адолат сингари фазилатлар ҳар бир инсонда бўлмоғи лозим. Улар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Сукрот наздида инсонга мазмун ва моҳият бағишлайдиган юқоридаги хислат ва фазилатлар илм туфайли, таҳлимот тарбия бериш билан қўлга киритилади ва ривожланади. Мардликнинг фазилати, Сукрот фикрича, кўрқувни даф қилишдан иборат бўлса, донишмандлик эса инсонни одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишга ўргатади. Мўхтадил одам,-дейди мутафакқир,-ҳеч қачон шошма-шошарлик, жиззакилик қилмайди, ўз ҳиссиётига эрк бермайди, ақл ила ўйлаб, тафаккурига таяниб, ўзгалар маслаҳати ва йўл-йўриғига асосланиб, кулоқ тутиб, оқибатини кўз олдида келтириб иш қилади. Адолат эса, ҳар бир инсонга унинг мавқеи ва мапсабидан қатъий назар қандай яхшилик қилиш ва амалга оширишига ўргатади, деб таҳлимот беради.

Фалес, Анаксимандр, Анаксимен ва бошқа кўплаб қадимий юнон файласуф олимлари таҳлимотлари ҳам зардуштийлик ғоялари билан чуқур суғорилган. Фалеснинг, табиатдаги ҳамма нарсаларда худоларнинг иштироки бор, улар ўлик эмас, тирикдир, деган ғояси зардуштийликнинг, Ахурамазда аввал борлиқ ва ҳамма нарсаларни тана қобикидан озод ҳолда яратган, кейин уларга шакл берган, деган таҳлимотига асосланган.

¹⁸Материалисти древней Греции, М., Госполитиздат, 1995, стр.

“Фалес борлиқнинг асоси сув, Анаксимандр ҳаво деса, Ҳераклитнинг фикрича, ҳамма нарсанинг асоси олов. Зардуштийлик таҳлимотида эса Ахурамазда Амэша-Спента-олти кичик худолар-олти борлиқни оловдан барпо этган, олов уларга ҳаёт ва иссиқлик беради, дейилади. Ҳераклитнинг фикрича, олов ердан чиққан ва уни ўзгартириб юборган. Олов космосдаги дунёлар ўртасидаги алоқани таҳминлайди, ҳаво, сув, ер оловдан пайдо бўлади ва маълум вақтдан сўнг ҳаммаси яна ўтга айланади... Дунёда ҳамма нарса доимий ҳаракат ва ўзгаришда, қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайди. Доимий ўзгаради ва ҳаракатни Ҳераклит қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Бу тезиснинг асосида зардуштийлик динидаги Ахурамазда билан Ангра-Манхю, Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги доимий кураш ётади... Ҳераклит ҳам Зардушт каби абстракт тушунчани илоҳийлаштиради. Унинг фикрича донишмандлик-илоҳият... Илоҳият инсонлар қилмишини назорат остида тутиши греклар учун янгилик бўлиб, зардуштийларнинг Ахура Маздаси ва Амаша-Спентаси фаолиятининг айнан ўзи эди”.¹⁹

Зардуштийликнинг маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ҳақидаги умумбашарий аҳамимиятга молик таҳлимотлари қадимги юнон алломаси Аристотель(эра, авв. 384-322) асарларида ҳам ўз ифодасини топган. У ўзининг “Никомах этикаси”, “Сиёсат” ва бошқа қатор асарларида аллоқ муаммоларини назарий ишлаб чиққанига, умуман фанларни, хусусан, ахлоқни илмий тасниф қилганлиги, инсониятга аллақачон маълум. Унинг асарларида ахлоқнинг назарий ва амалий масалаларига алоҳида эътибор берилган. Инсоннинг маънавий камолотида одоб-ахлоқнинг муҳим ўрин тутишини таъкидлаб Арасту шундай дейди: “Табиат инсон қўлига қурол-ақлий ва ахлоқий куч

¹⁹ Ф. Сулаймонова. Кўрсатилган асар, 33-бет.

берган, аммо у шу курулни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин, шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майилларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади”.²⁰

Ахлоқий-маънавий фазилатлар учун камчилик ва етишмовчилик ҳам, ортикчалик-исроф ҳам ҳалокатлидир. Гимнастика-бадан тарбия машқлари, Арасту фикрича, керагидан ортикча бўлса, одамни чарчатади. Оз бўлса ҳам қувват камаяди. Ейиш ва ичиш ҳам шундай: керагидан зиёда ейилса, соғлиқ учун зарар, оз бўлса қувват камаяди. Агар ейиш-ичиш меҳёрида бўлса, қувват ҳам, соғлиқ ҳам асралади. Оқиллик, мардлик ва бошқа фазилатлар ҳам шундай. Агар одам ҳаддан ташқари ботир, кўркмас бўлиб кетса, худодан ҳам кўркмайдиган бўлса, ундай одам ботир эмас, тентак дейилади. Ҳамма нарсадан кўрқадиган одам эса-кўрқокдир. Демак, мард одам,-ҳамма нарсадан кўрқадиган одам ҳам эмас, ҳеч кимдан кўркмайдиган одам ҳам эмас экан. Хуллас, бир хил йўл билан фазилатларни зиёда қилиш ҳам, йўқотиш ҳам мумкин. Меҳёридан ортик кўрқиш, ҳамма нарсадан кўрқиш-ҳалокатли, ҳеч нарсадан кўркмаслик ҳам ҳалокатлидир.²¹

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан кўриниб турганидек, дунёдаги биронта халқ ва миллат ҳеч қачон ўзидан бошқа халқлар ва мамлакатлардан, жаҳон цивилизациясидан ажралган ҳолда яшаган эмас. Халқнинг, миллатнинг улуғворлиги миллий маҳдудлигига қараб белгиланмайди. Қайсики халқ миллий қобиғига ўралиб қолиб ўзга халқяар ютуқдаридан баҳраманд бўлмаса, чинакамига юксала олмайди. Барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти сингари маданий-маънавий, маърифий ривожланиш тарихи ҳам бир-бири билан узвий борланишдадир.

²⁰ Аристотел. Политика. М., 1991, стр. 8-9.

²¹ Арасту. Ахлоқи кабир Мулоқот, 1998, 3-сон, 52-бет

3. Санъатнинг турлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти

Санъат-ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Санъат инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган ижод маҳсулидир. Санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Санъат инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисми, дунёни маънавий англашнинг махсус туридир. “Санъат” кенг маънода, бадий қадриятлар, уларни яратиш (бадий ижод қилиш) ва истехмол (бадий идрок этиш) жараёнларини қамраб олади. Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. “Санъат” сўзи жонли тилимизда нечоғли кенг маънода қўлланмасин, табиийки, бизни унинг эмас, балки истилоҳий маъноси қизиқтиради.

Истилоҳий маънода “Санъат”²² деганда инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосида борлиқни бадий ўзлаштириш (ва ўзгартириш)га қаратилган яратувчилик фаолияти ҳамда унинг натижаси ўлароқ вужудга келган жами нарсалар тушунилади. Яъни, гўзаллик қонунлари асосида маҳорат ва дид билан яратилган нарсаларнинг ҳаммаси Санъатга алоқадордир.

Санъатнинг қуйидаги икки тури фарқланади: амалий ва бадий (нафис). Амалий Санъат турларига кулолчилик, наққошлик, каштачилик, зардўзлик, либос яратиш каби соҳалар кирса, бадий Санъат турларига рассомлик, мусиқа, ҳайкалтарошлик, кино, театр, бадий адабиёт кабилар мансуб. Шунингдек, ифодали ва тасвирий Санъат турлари фарқланади. Баъзи Санъат турлари тасвирласа, бошқалари ифодалайди. Айтайлик, мусиқа-ифода Санъат композитор оҳанглар орқали кечинмаларни ифодалайди ва шу оҳанглар руҳиятимизда муайян бир кайфият ҳосил қилади. Рассомлик билан ҳайкалтарошлик тасвирий

²²Ўзбекистон Миллий энциклопедия

Санъат турлари бўлиб, унда бирор манзара, ҳолат мусаввир қалбини жунбишга келтириб, қалбида муайян кечинмалрни кўзгатади ва мусаввир ўша манзарани ранг-тасвирга муҳрлайди. Шу тариқа Санъат асарлари руҳиятимизга озиқ беради. Санъатнинг турли кўринишлари воқеликни, ундаги ҳодиса, нарса ва ҳолатларни ўзига хос усуллар ёрдамида акс эттиради. Масалан, мусиқада товушлар, уларнинг ўзаро боғланиши, уйғунлиги орқали; бадиий адабиёт сўз, образлар орқали; тасвирий Санъатда бўёқлар ёрдамида муайян ҳиссий образ гавдалантирилади; театрда пьеса қаҳрамонларининг сиймоси актёрлар орқали намоён бўлади. Мавжуд Санъат турлари орасида бадиий адабиёт етакчи ўрин тутади. Чунки бадиий адабиёт универсал билиш ва ифода воситаси бўлмиш сўз билан иш кўради. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказади, ижтимоий онгнинг ҳамма шакллари билан алоқага киришади. Санъат воқъеликни бадиий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. Санъат учун инсон бош мавзу бўлиб хизмат қилади. Санъатда инсон ҳамма вақт ҳам бевосита ифодаланмайди. Санъат нарсалардан, табиат ҳодисаларидан инсон учун аҳамиятли бўлган маънони излайди, инсон қалбини поклайди, унинг ҳар томонлама камол топишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Санъат қадимий тарихга эга бўлиб, у жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни, шунингдек, кишилар ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган.

Ўрта аср Санъатшунослари Санъатни нариги дунёнинг бу дунёдаги моддий образи деб баҳолаган. Уйғониш даври Санъат ривожига муҳим давр бўлиб тарихга кирди. XIV-XVI асрларда инсонпарварлик ва реализм ғоялари билан бир қаторда Санъатни черков таъсиридан ажратишга интилиш кучайди ва уни илмий тавсифлаш йўлида муҳим кадам қўйилди. Бу даврда Санъат унинг назарияси ва тарихи бўйича қимматли асарлар

вужудга келди. Леонардо да Винчининг рассомликнинг илмий асослари ва имкониятлари, тасвирий Санъатда инсон маънавий ҳаётининг акс эттирилиши каби муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлари, XVI асрда Германияда А.Дюрернинг пропорциялар ҳақида илмий фикрлари. Венецияда П.Аретинонинг борлиқни тўғри акс эттириш бўйича рассомлар олдида қўйган талаблари Санъатга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. XVII арсдан бошлаб Германия Г.Е.Лессинг реализм назариётчиси сифатида “тасвирий Санъат” атамасини фанга киртди. XIX асрда Санъатнинг илмий-тарихий асослари мустаҳкамланди. Санъат фан сифатида шаклланиб такомилга етди, ўз услубиётига эга бўлди. Францияда Стендал Г.Курбе, Германияда И.Гёте ва Г.Гейннинг асарлари Санъатшунослик фанида катта роль ўйнади. Айнан шу даврда археологик тадқиқотлар кўлами кенгайди, бадиий музейлар очилди.²³ Айниқса, Буюк француз инқилоби ғоялари, И.Кант, А.Шопенгауэр, Г.Ф.Гегелг эстетик қарашлари, Россияда эса В.В.Стасов, И.Н.Крамской, И.Е.Репин ва бошқаларнинг Санъатнинг ҳаётий бўлиши ва ижод эркинлиги хусусидаги қимматли фикрлари, В.Г.Белинский, А.И.Герцин ғоялари Санъатнинг реалистик йўналиши ривожда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, бу даврда Санъат дин билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланди.

Жаҳон Санъати дурдоналари-буюк архитектура иншоотлари, Вергилий, Данте, Милтон, Леонардо да Винчи, Рафаэл, Микеланжело тасвирлари, И.С.Бах, И.Гайдн, В.А.Моцарт мусикалари, Шарқда эса Ф.Аттор, Ж.Румий, А.Жомий, А.Навоий асарлари диний манбалардан илҳом олиб яралган эди. Санъат одамларнинг эстетик талабларини қондириш билан бирга, ўз тараққиётининг турли давларида жамият аъзоларини маълум руҳда тарбиялаш, уларни ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилиб келган, уларнинг турли мақсад, ҳис-туйғу, манфаат, идеалларини ифода этган.

²³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати

Санъат ижтимоий онгининг бошқа шаклларида ўзининг предмети, мазмуни, воқъеликни ифода этиш усули ва услуби, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳамда вазифалари жиҳатидан фарқ қилади. Санъат инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятидаги билими, тажрибаси, маҳорати ва қобилиятларини намоён этувчи бадиий ижодиёт маҳсулидир. Эстетик тафаккур тарихида Санъат нарса ва ходисаларни қандай бўлса шундайлигича акс эттириш ва ҳаётни гўзаллик қонунлари асосида бадиий ифодалаш ғоялари сари юксалиб борди. Табиат, жамият ва инсоннинг ижтимоий, маънавий, миллий дунёси Санъат предмети ҳисобланади.²⁴ Воқъелик қайси шаклда бадиий ифода этилмасин, ижодкор унга маълум ижтимоий-эстетик идеал назардан муносабат билдиради ва ўз эстетик баҳосини беради. Санъат инсон учун эстетик завқ-шавқ манбаи; инсон ҳаётига гўзаллик бахш этади; одамларда воқъеликка нисбатан ҳиссий муносабатни шакллантиради; ҳаётни кузатиш, ўрганиш ва билиш воситаси; ҳаётни инсон орзу қилган томонга ўзгартиришда ёрдам беради; тарбия воситаси сифатида хизмат қилади; ҳаётдаги гўзалликдан илҳомланишга, хунукликдан нафратланишга чорлайди; одамлар орасидаги маънавий кўприк, мулоқот воситаси; одамларнинг бадиий-эстетик дидини тарбиялайди, уларда маълум дунёқарашни шакллантиради. Санъат жамият маънавий ҳаётининг бошқа ходисалари (фан, мафкура, ахлоқ) маълум даражада боғлиқдир. Санъатнинг мақсади дунёни бадиий ўзлаштириш, одамга лаззат бахш эта оладиган, уни маънавий бойита оладиган асарлар яратиш йўли билан кишиларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Санъат асарларининг диққат марказида инсонлар, уларнинг ижтимоий алоқаси ва ўзаро муносабатлари, муайян тарихий шароитлардаги ҳаёти, фаолияти туради. Шунинг учун ҳам Санъат асарлари берадиган билим муайян мамлакат, миллат ёки маълум бир

²⁴ “Мустақиллик” изоҳли луғати

тарихий давр ва шахслар ҳақидаги илмий асарлардан олинган маълумотлардан фарқ қилади. Санъатнинг тарбиявий кучи унда ифода этилган кечинма ва образларнинг ҳар бир ўқувчи, томошабиннинг қалбига кириб бориши, уларда эстетик завқ уйғонишидадир. Санъат барча ижтимоий онг шакллари сингари ўз тараққиёт қонунларига эга. Бу қонуниятлар Санъатнинг ўз ички хусусиятларидан келиб чиқсада, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ бўлган халқ, миллат, элат, мамлакат ва жаҳон цивилизацияси даражаси бу қонуниятларини ўз ифодасини топади.

Санъат қонуниятларини эстетика, Санъатшунослик фани ўрганади. Санъатни тушуниш, унинг кишилар ҳаётидаги ролини аниқлаш масаласи бутун маданият тарихи давомида кескин баҳс, тортишувларга сабаб бўлиб келган. Масалан, баҳзи Санъаткор ва Санъатшунослар уни “табиатнинг тақлиди” ёки “воқъеликнинг акс эттирилиши” деб ҳисобласа, бошқалари “Санъаткорнинг соф шахсий ижодий маҳсули”, “ўз-ўзини изҳор этиш” сифатида талқин этади²⁵. Бу Санъат предметининг мураккаблиги, унинг хусусиятлари ва шакллари, мужассамлаштиришнинг усулларининг хилма-хиллиги ҳамда турли даврларда Санъат назариётчиларининг синфий ва ғоявий фикрлари ўртасидаги тафовутлар билан изоҳланади. Санъатда гўзаллик категорияси муҳим аҳамият касб этади. Эстетика фани-гўзаллик Санъатнинг зарур шарти эканлигини, гўзалликсиз Санъатнинг йўқлиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслигини уқтиради. Санъатда мазмун ва шаклни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Санъатнинг ўзига хос хусусияти унинг воқъеликни илғор ғоявий назардан бадиий образлар орқали акс эттиришдир. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш жараёнида Санъат алоҳида ўрин тутаети. Чунки Санъат юксак ижтимоий ғояларни тарғиб этувчи, инсон маънавий дунёқарашини кенгайтирувчи,

²⁵ “Ижтимоий ҳимоя” луғат

уни шахс сифатида тарбияловчи воситалардан зарур бўлган ўзаро мулоқотлар воситаси сифатида турли қитҳалар ва давлатларни ўзаро боғлайди.

Зотан, инсон Санъатдан эстетик завқ, битмас-туганмас ижодий куч-қудрат олади ва шу маънода Санъат маънавий юксалишнинг энг таъсирчан қуролига айланади.

4. Ёшларнинг маънавий салоҳиятини ривожлантиришда уларни ғоявий тарбиялашда адабиёт ва Санъатнинг тутган ўрни

Китобхонлик ўзи нима? Унинг икки жиҳати бор. Тор маънода у - китоб мутолааси билан шуулланиш бўлса, кенг маънода-турли хил нашрлар (китоб, газета-журнал ва бошқалар)ни ўқиб ахборот олишни билдиради. Китобхонлик кишидан муайян кўникмадан ташқари зеҳнлиликни ҳам талаб қилади.

Инсоннинг идрок қобилиятини тадқиқ этган мутахассисларнинг фикрича нормал одам ҳар куни 80 минг хабарни ўзлаштириши мумкин. Олинаётган ахборот сони бундан кўп бўлса, унинг эслаб қолиниш даражаси аксинча паст бўлар экан.

Ҳозирги ахборот асрида, турлича воси-талардан турфа хил хабарлар ғужғон ўйнаган бир замонда бу масалага жиддий ёндашмаслик мумкин эмас. Ўқитувчи ва мураббийлар, маънавият ва маърифат ходимлари олдида, қолаверса ҳар бир ота-она олдида ёш авлодни китобга ҳавас руҳида тар-биялаш масъулияти туради. Бу залворли ижтимоий масаладир, Ана шу масаланинг қандай ҳал этилиши жамиятимизнинг келажагига дахлдор омиллардан ҳисобланади. Бинобарин, китобхонлик маданиятини кўтаришга бел боғлашимиз зарур. Бунинг учун болаларимизни китобга ошно қилишни макгабдан эмас, бокчадан, яслидан бошлаш керак. Уларни китоб муқовалари ичига жо этилган сеҳрли оламга олиб кириш керак. Ана шуажойиб ва ғаройиб китоб олами

ёш кўнгилни ўзига жалб эта олсин, мурғак ақлни фикрлаш сари етакласин.

Яқинда ўқиб қолдим. Нью-Йорк оммавий кутубхонасида ҳатто 6-9 ойлик гўдакларга ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланган махсус дастур бор экан. Бу ёшдаги гўдаклар учун расм-китоблар, қўғирчоқлар, болаларга шеър айтиб берувчи роботлар жамғармалари, махсус жиҳозли ўзига хос қироатхоналар ташкил этилган экан.

Аслини олганда, бизнинг боғчаларда ҳам шунга ўхшаш тарбия воситалари мавжуд. Лекин унинг самарадорлигини қониқарли деб бўлмайди.

Руҳшуносларнинг таъкидлашича бола ташки оламини аввало ақл-идрок билан эмас, туйғу билан, ҳиссиёт билан қабул қилар экан. Шунинг учун ҳам таъсирчан воқеаларга бой, ғаройибот, мўъжизалар кони ҳисобланган халқ эртаклари, дostonлари, ривоятлари битилган китобларни болаларга ўқиб беришдан чарчамаслик керак. Аста-аста уларнинг сеҳри, жозибаси ёш қалбни бутунлай забт этиши, боланинг ўзи саводи чиққач, китобдан завқ олиш, лаззатланиш учун мутолаани одат қилиши тайин. Ҳамид Олимжоннинг

"Болалик кунларимда,

Уйқусиз тунларимда,

Кўп эртак эшитардим

Сўйлаб берарди бувим",

деган мисраларида бўлажак шоирни адабиёт оламига, демакки, китоб оламига етаклаган бош омил ҳақида айтилган.

Боланинг китобхонликка иштиёқи уйғонгач, унга мос бўлган, қизиқишларини ривожлантиришга хизмат қиладиган китобларни саралаб танлаб бериш жуда муҳим. Палапартиш ейилган овқат меъдани бузгани сингари тўғри келган китобни ўқишнинг ҳам зиёни бор.

Аслини олганда китобни танлаб, саралаб ўқиш китобхонлик

маданиятини белгиловчи мезонлардан биридир. Халқда “сен менга ўқиган китобларингни айт, мен сенга кимлигингни айтаман” деган гап юради. Бунда катта маъно бор. Китобнинг мураббийлик хусусиятига, кишига ҳам ақлан, ҳам руҳан озиқ бериб, тарбияловчилик хусусиятига ишора бу.

Очиғини айтганда, туппа-тузук китоб-севар кишилар ҳам “қўлга илинганини” мутолаа қиладилар. Бунинг самараси кам, Тезкор замонамизда вақтни беҳуда сарфлашдан, айниқса ёшларнинг вақти беҳуда кетишидан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, вақтинг кетди - нақдинг кетди.

Китобхонлик маданияти ҳақида гапирганда мутолаа қилувчиларнинг тоифалари хусусида ҳам тўхталмасдан бўлмайди. Муайян ўқув дастурини ўзлаштириш мажбурияти юзасидан қўлга китоб олувчилар бор, китоб сирдошига, доимий ҳамроҳига, маънавий эҳтиёжига айланиб қолган шина-вандалар бор. “Мутолаанинг уч хили мавжуд, биринчиси ўқиб тушунмаслик, иккин-чиси ўқиб тушуниш, учинчиси ўқиш за ҳатто ёзилмаган нарсани ҳам англаб етиш”. XVIII-асрда яшаган рус ёзувчиси Я.Б.Княжнин айтган ана шу учинчи тоифа мутолаа айнан шинаванда китобхонга тегишлидир. Бундай китобхон фаол, ижодкор китобхондир.

“Ўқиб уқи, уқиб ўқи!” дея насихат қилган эдилар адиб ва олим Ғайбуллоҳ ас-Салом “Толибнома” китобида. Ўқиб тушуниш мароқли, аммо тушуниб ўқиш, тағин ўқиш беҳад лаззатли, фараҳбахшдир. Бунга эришган кишини китобхонлик бахти чўлғаб олади. Ёшларимизни китобхонликда ана шу мавқега кўтариш учун интилиш ўқитувчилар, кутубхона ходимлари, қўйингки, ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бирок бу бурчни адо этиш бағоят мушкул. Ҳамма болалар ҳам осонгина измга тушиб, китобга меҳр қўя қолмайдилар. Синфдан ўйин майдонини, китобдан телевизорни афзал кўрадиган ўқувчи кам дейсизми. Аксарият

бўлмаса ҳам жуда кўп. Ва бу табиий ҳам.

Маълумки, болалар техникага, электрон ўйинларга, телевидениега, видеога, умуман, янгиликка ўч. Агар фарзанддаримиз китобни унинг анъанавий кўринишида “суймас” экан, биз улар сари боришимиз керак.

Ривожланган мамлакатлар болалари орасида ҳозир электрон китоблар жуда машҳур. Шундай бўладики, ўқувчида акс реакция ҳосил қилган, унинг диққатини жалб этолмаган мавзунини у экранда томоша қилар экан, ундан кўзини узмайди. Мисол учун, “лазер китоб”га айлантирилган “Болалар энциклопедияси”ни экранда кўрар экан ўқувчи нафақат матнни ўқиш ёки эшитиш, шу билан бирга уни жонли ҳолда кузатиш имконига эга бўлади.

Маълум бўлишича, инсоннинг олинган ахборотни эслаб қолиши турлича кечар экан, яъни одам ўқиганининг тахминан 10 фойизини, эшитганининг 20 фойизини, кўрганининг 30 фойизини хотирада “тутиб” қолади. Бир вақтнинг ўзида ҳам кўриб, ҳам эшитган ахборотнинг 50-70 фойизигача эсда қолиши мумкин экан.

Замонавий техника воситалари болаларда пировард натижада китобга хавас уйғотишга хизмат қилади. Мисол учун, 100 жилддан иборат Британия энциклопедияси компьютер хотрасига, оптик дискларга кўчирилган. Уни Англиялик китобхон (жумладан, турли ёшдаги болалар ҳам) компьютер боғлами орқали ўз уйидаги экранда “варақлаб” ўқиши мумкин. Агар кутубхоналар Интернет тармоғига уланган бўлса, айтайлик, Тошкентда туриб Британия қомусидан маълумот олиш бугунги кунда ҳеч бир мўъжиза эмас.

Шу нарсага эътибор бериш керакки, гарчи бу мутолаада қоғозли китоб иштирок этмаган бўлса-да, барибир у китоб. Ахир тошга. Со-пол тахтачаларга папирусга, териға битилган китоблар тарихдан маълум-ку. Фақат бу китоб янгича, замонавий материалга “чоп этилган”.

Жаҳон тарихидан маълумки, истибдод даврини бошидан кечирган

мамлакатнинг тикланиши учун, тургунлик ҳолатидан тараққиёт босқинчига кўтарилиши учун умуммиллий шижоат даркор. Қийинчиликларни матонат билан енгиб ўта олган, улкан ижтимоий муаммоларни ҳам ахиллик билан бартараф қила олган халқгина саодатли истиқболдан умидвор бўлиши мумкин, Японларда “Биз олдин мияни тўйдирайлик, мия эса қоринни тўйдиради” деган ақида бор экан. Дарҳақиқат, ҳар қандай тараққиёдниң дояси-илм-маърифат. Гап айланиб яна китобхонликка тақалади.

Биз мустақиллигимизни муотахкамлаш шиорини кўтарар эканмиз, шу ёлов остида бирлашишимиз, жипслашишимиз лозим. Агар ҳа деганда ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилаверсак, қўлимизни ишдан совитамиз, ҳолос. Эслаб кўрайлик, маърифатчи жадид бободаримиз илму ирфонни халқ орасига кенг ёйиб, миллатнинг кўзини очиш, миллатни уйғотиш ишига жаҳд қилган замонларда ҳозиргидан енгил бўлганми? Йўқ енгил эмас эди. На иқтисодий, на маърифий. Улар саводсизликка, авомликка қарши курашганлар. илм-маърифат зиёси сингдирилган қалб ва шу-урда истиқлол чечагини ундириш пайида бўлганлар. Ҳозир эса ялли саводхонлик даврида яшайпмиз. Ҳазрати Хуррият куёши тепамиздан нур сочиб турибдн. Айнибелни махкам бойлайдиган вақт келди. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиладиган пайт етди.

Ана шундай бурчдорлик туйғуси билан мамлакатимиздаги таълим-тарбия, китоб ва кутубхоначилик соҳалари билан шуғулланувчи вазирлик ва идоралар, чуюш-ма ва ташкилотлар янги бир ташаббус кўтариб чиқдилар. Жумладан, Ўзбекистон Кутубхоналар ассоциацияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Маданият ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Фан ва технологиялар, Ўрта махсус касб-хунар таълими, “Маънавият ва маърифат” марказлари, Ўзтелерадио

компанияси, Ўзбекистон Очiq жамият институти Кўмак жамғармаси биргаликда шу йил 20 сентябрдан то 30 сентябргача республикамизда “Китобхонлик куни” деган умумий ном остида туркум тадбирлар ўтказишди.

Бундан кўзланган мақсад ватандошларимизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг мутолаа маданиятини кўтариш, китоб тарғиботини жонлантириш, ахборот олишнинг янгича технологиялари билан аҳолининг кенг қатламларини таништириш, муҳими-чуқур билим, юқори малака ва юксак инсоний фазилатларга эга бўлмай туриб, жамиятнинг моддий тараққиётини ҳам таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги ҳақиқатга бутун жамоатчилигимиз эътиборини қаратиш эди.

Энг муҳими “Китобхонлик кунлари” китоб ўқишга куруқ даъват қилиш билан ўтмади. Тадбирлар турли-туман шаклларда амалга оширилди. Хусусан, китоб кўргазмалари ташкил этиш, янги китоблар тақдимотларини уюштириш, хайрия акциялари ўтказиш, таълим масканларида, кутубхоналарда ижодкорлар билан, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар уюштириш, мутолаа маданияти, китобхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш усул ва услубларига бағишланган анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиш каби турфа шакллардан фойдаланилди.

Бу тадбирлар биринчи марта шундай катта кўламда ўтказилган бўлишига қарамасдан натижалар ёмон бўлмади.

Баъзи бир мисоллар келтириладиган бўлсам, Республика болалар кутубхонасида ўн кун мобайнида чинакам китоб байрами ташкил этилди, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида маданиятшунос, социолог, психолог, адабиётшунос, файласуф олимлар, етакчи кутубхоначи мутахассислар иштирокида “Янги минг йилликда китоб ва китобхонлик” мавзуида илмий анжуман ўтказилишидан ташқари, 60 ўринли замонавий кироатхона очилди, Ёшлар ахборот-ресурс маркази шаҳардаги турли

таълим муассасалари, кутубхоналар билан ҳамкорликда муттасил маърифий тадбирларни амалга оширди. Тошкент вилоят “Турон” кутубхонаси, Янгийўл, Зангиота марказлашган кутубхона тизимлари ҳам фаол бўлдилар.

Қаршида Қашқадарё вилоят илмий универсал кутубхонаси таъмирланиб, замонавий компьютерлар билан жаҳозланган ҳолда мутлақо янги қиёфада, тантанали равишда очилди.

ХУЛОСА

Санъатда гўзаллик категорияси муҳим аҳамият касб этади. Эстетика фани-гўзаллик Санъатнинг зарур шарти эканлигини, гўзалликсиз Санъатнинг йўқлиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслигини уқтиради. Санъатда мазмун ва шаклни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Санъатнинг ўзига хос хусусияти унинг воқеликни илғор ғоявий назардан бадиий образлар орқали акс эттиришдир. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш жараёнида Санъат алоҳида ўрин тутаяди. Чунки Санъат юксак ижтимоий ғояларни тарғиб этувчи, инсон маънавий дунёқарашини кенгайтирувчи, уни шахс сифатида тарбияловчи воситалардан зарур бўлган ўзаро мулоқотлар воситаси сифатида турли қитъалар ва давлатларни ўзаро боғлайди. Зотан, инсон Санъатдан эстетик завқ, битмас-туганмас ижодий куч-қудрат олади ва шу маънода Санъат маънавий юксалишнинг энг таъсирчан қуролига айланади.

Шунинг учун ҳам Санъат асарлари берадиган билим муайян мамлакат, миллат ёки маълум бир тарихий давр ва шахслар ҳақидаги илмий асарлардан олинган маълумотлардан фарқ қилади. Санъатнинг тарбиявий кучи унда ифода этилган кечинма ва образларнинг ҳар бир ўқувчи, томошабиннинг қалбига кириб бориши, уларда эстетик завқ уйғонишидадир. Санъат барча ижтимоий онг шакллари сингари ўз тараққиёт қонунларига эга. Бу қонуниятлар Санъатнинг ўз ички хусусиятларидан келиб чиқсада, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ бўлган халқ, миллат, элат, мамлакат ва жаҳон цивилизацияси даражаси бу қонуниятларини ўз ифодасини топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда театр ва мусика санъатининг янада ривожланишини куллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Фармони 1995 йил 20 октябр
2. Каримов И.А. «Юксак маънавият –енгилмас куч» - Т.: «Маънавият» 2008 йил
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликқа таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Ўзбекистон», 1997.

5. Саидий С.Б.Марказий Осиё маданиятида урма чолғулар (ўзбек ва тожик мусиқа анъаналари мисолида). Тошкент. 2005 йил.-144 с.
6. Зухуриддинов З. Тарихи мусиқии шарқ.- Д.: Ирфон, 1982.– 160 с.
7. Ғуломов С. Салимов О., Усмонов Қ., Ғаниев Д. Асрларга тенг йиллар. Т.: 2002.
8. Хасанов О. «Ёшавлоднисанъатвоситалариэстетикрухдатарбиялаш» -Т.: «Ўзбекистон» 1982 йил
9. ШарофиддиновО. «Ижоднианглашбахти» -Т.: «Шарк» 2004 йил
- 10.МирвалиевС. « А.Кодирий» -Т.: «Фан» 2004 йил
- 11.ХудойбердиевЭ. «Адабиётшуносликкакириш»-Т.: «Шарк» 2008 йил
- 12.НорматовУ.«Янги узбек адабиёти»-Т.: «Унверситит» 2007 йил